

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2023 йил октябрь ойининг 19 куни, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг биносида, апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлисида, вилоят суди жиноят ишлари бўйича судьяси Ш.Ражабовнинг раислигида, ҳайъат судьялари Х.Бобоқулов ва А.Ғопоровлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Хомуминовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси-Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори А.Жабборов, судланувчи ***** ва унинг ҳимоячиси-адвокат Г.Самиев, жабрланувчилар ----- ва ++++++ ҳамда -----нинг вакили-адвокат М.Тураеваларнинг иштирокида, *****га оид суд ҳукми устидан жабрланувчилар ----- ва ++++++ларнинг берган шикоятларини 1-1805-2301/120-сонли жиноят иши ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Ғузор туман судининг 2023 йил 16 августдаги ҳукмига асосан:

*****, 1985 йил 26 октябрь куни Ғузор туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти олий, оилали, 4 нафар фарзандлари бор, судланмаган, Ғузор тумани “Янгикент” МФЙ ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлаган, Ғузор тумани, Чаноқ” МФЙда яшайди, иш бўйича эҳтиёт чораси тариқасида 2023 йил 10 апрелдан қамоқда сақланган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “г” банди билан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 1 йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, 209-моддаси 2-қисми “а” банди билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 1 йил моддий жавобгарлик ва мансабдорлик вазифаларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил 6 ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, ЖКнинг 62-моддасига асосан қамоқда ўтирган 33 куни ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, яъни 4 ой 6 куни жазодан чегирилиб, ўташ учун 2 йил 1 ой ой 23 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилган. Эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд залида қамоқдан озод қилинган.

Етказилган зарарлар қоплангани қайд қилиниб, етказилган зарар учун Қашқадарё вилоят прокуратураси депозит ҳисоб рақамига тўланган



119.001.100 сўм АТ “Халқ банки” Ғузор туман филиали ҳисоб рақамига қайтариш, 39.656.000 сўмлик тикув машиналари сотилиб, пули зарар ҳисобига АТ “Халқ банки” Ғузор туман филиали ҳисоб рақамига ўтказиш белгиланган.

Жабрланувчилар -----, ++++++, А.Аллаева, Р.Қиличева, Т.Баратов, В.Рўзиева, З.Пардаеваларга қолган зарарлар бўйича фуқаролик тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, ***** 2022 йил 26 августдан буён Ғузор туманидаги “Янгикент” маҳалласида ҳоким ёрдамчиси вазифасида ишлаб келиб, мансаб мавқеини суистеъмол қилиб, Қарши шаҳар, “Алишер Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини, Яккабоғ кўчаси, 28-уйда яшовчи -----га тегишли электрон калит ва паспорт нусхаларини қўлга киритиб, 2022 йил 21 ноябрь куни укаси А.Бозоров номида бўлган 99-967-60-00 рақамли уяли телефондан фойдаланган ҳолда, АТБ “Халқ банки” Ғузор филиали бошқарувчисига ----- номидан 1412832-рақамли электрон ариза билан мурожаат қилиб, 2022 йил 25 ноябрда ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, -----ни “Янгикент” МФЙда яшайди ва унга кредит ажратиш мақсадга мувофиқ деб, расмий ҳужжат ҳисобланган сохта тавсиянома тўлдириб, унинг номидаги электрон калит орқали АТБ “Халқбанки” Ғузор филиали билан 563261-сонли электрон кредит шартномаси ва таъминотчи “Жасур қизи Фарзона” оилавий корхонаси раҳбари М.Оралова билан 2022 йил 5 декабрда 965481-сонли 33.000.000 сўмлик “Уч ғилдираклик юк мотороллер” етказиб бериш тўғрисида электрон шартнома тузиб, 23-сонли электрон ҳисоб варақ-фактура орқали таъминотчи “Жасур қизи Фарзона” оилавий корхона раҳбари М.Оралова олдига бориб, ҳоким ёрдамчиси эканлигини айтиб, 1 дона 33.000.000 сўмлик “Уч ғилдираклик юк мотороллер”ни “-----га ўзим етказиб бераман” деб олиб кетиб, шу кундаги фуқаро -----га маҳсулот етказиб берилгани тўғрисида 90-сонли сохта мониторинг далолатномаси тузиб, 33.000.000 сўм кредит маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

***** жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, Қарши шаҳар, “Алишер Навоий” маҳалла фуқаролар йиғини, Яккабоғ кўчаси, 28-уйда яшовчи фуқаро Ғиёсова Матлуба Зокир қизига тегишли электрон калит ва паспорт нусхаларини қўлга киритиб, 2022 йил 10 ноябрь куни 90-341-13-66 рақамли уяли телефондан фойдаланган ҳолда, АТБ “Халқ банки” Ғузор филиали бошқарувчисига ++++++ номидан 1377449-рақамли электрон ариза билан мурожаат қилиб, 2022 йил 11 ноябрда ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, ++++++ни “Янгикент” МФЙ 249-уйда яшайди ва унга кредит ажратиш мақсадга мувофиқ деб, расмий ҳужжат ҳисобланган сохта тавсиянома тўлдириб, 2022 йил 15 ноябрда унинг номидаги электрон калит орқали АТБ “Халқбанки” Ғузор филиали билан 548910-сонли электрон кредит шартномаси ва таъминотчи “Стар Макс1978” МЧЖ билан 2022 йил ноябрда 915401-сонли 33.000.000 сўмлик “Уч ғилдираклик юк



мотороллер” етказиб бериш тўғрисида электрон шартнома тузиб, 2022 йил 21 ноябрдаги 44-сонли электрон ҳисоб варақ-фактура орқали таъминотчи “Стар Макс 1978” МЧЖ раҳбари Б.Шаймардановни олдига бориб, ҳоким ёрдамчиси эканлигини айтиб, 1 дона 33.000.000 сўмлик “Уч ғилдиракли юк мотороллер”ни ++++++га ўзим етказиб бераман деб олиб кетиб, ++++++га маҳсулот етказиб берилгани тўғрисида 2022 йил 5 ноябрда 90-сонли сохта мониторинг далолатномаси тузиб, 33.000.000 сўм кредит маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

***** жиний ҳаракатларини такроран давом эттириб, Ғузор тумани, “Янгикент” МФЙ, Каприн қишлоғи 25-уйда яшовчи А.Аллаевага тегишли электрон калит ва паспорт нусхаларини қўлга киритиб, 2022 йил 7 февралда укаси А.Бозоров номида бўлган 99-967-60-00 рақамли уяли телефондан фойдаланган ҳолда, АТБ “Халқ банки” Ғузор филиали бошқарувчисига А.Аллаева номидан 1573984-рақамли электрон ариза билан мурожаат қилиб, 2022 йил 7 февралда ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, А.Аллаевани “Янгикент” МФЙда яшайди ва унга кредит ажратиш мақсадга мувофиқ деб, расмий ҳужжат ҳисобланган 112-сонли сохта тавсиянома тўлдириб, 2022 йил 7 февралда унинг номидаги электрон калит орқали АТБ “Халқ банки” Ғузор филиали билан 610391-сонли электрон кредит шартномаси ва таъминотчи “Жасурбек ва Паризода” МЧЖ билан 2022 йил 8 февралда 1043888-сонли 32.960.000 сўмлик “2 дона уй тикув машинаси, 2 дона дазмол, 108 метр мато, 1 дона жак аверлок тикув машинкаси” етказиб бериш тўғрисида электрон шартнома тузиб, 2022 йил 8 февралдаги 1-сонли электрон ҳисобварақ-фактура орқали “Жасурбек ва Паризода” МЧЖ раҳбари Ю.Бўриеванинг олдига бориб, ҳоким ёрдамчиси эканлигини айтиб, А.Аллаевага “2 дона уй тикув машинаси, 2 дона дазмол, 108 метр мато, 1 дона жак аверлок тикув машинкасини ўзим етказиб бераман” деб олиб кетиб, А.Аллаевага маҳсулот етказиб берилгани тўғрисида 2023 йил 8 февралда 95-сонли сохта мониторинг далолатномаси тузиб, 32.960.000 сўм кредит маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

***** жиний ҳаракатларини такроран давом эттириб, Ғузор тумани, “Янгикент” МФЙ, 602-уйда яшовчи Р.Қиличевага тегишли электрон калит ва паспорт нусхаларини қўлга киритиб, 2022 йил 25 ноябрда укаси А.Бозоров номида бўлган 99-967-60-00 рақамли уяли телефондан фойдаланган ҳолда, АТБ “Халқ банки” Ғузор филиали бошқарувчисига Р.Қиличева номидан 1435897-рақамли электрон ариза билан мурожаат қилиб, ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, 2022 йил 26 ноябрда 105-сонли сохта тавсиянома тўлдириб, 2022 йил 30 ноябрда унинг номидаги электрон калит орқали АТБ “Халқ банки” Ғузор филиали билан №571458-сонли электрон кредит шартномаси ва таъминотчи “Жасур қизи Фарзона” МЧЖ билан 2022 йил 2 декабрда 957290-сонли 33.000.000 сўмлик 1 дона “Уч ғилдиракли юк мотороллер” етказиб бериш тўғрисида электрон шартнома тузиб, 2022 йил 2 декабрдаги 15-сонли электрон ҳисоб варақ-фактура орқали “Жасур қизи Фарзона” МЧЖ раҳбари М.Оралованинг олдига



бориб, ҳоким ёрдамчиси эканлигини айтиб, Р.Қиличевага 33.000.000 сўмлик 1 дона “Уч ғилдиракли юк мотороллер”ни ўзим етказиб бераман деб олиб кетиб, Р.Қиличевага маҳсулот етказиб берилгани тўғрисида 2022 йил 1 декабрда 89-сонли сохта мониторинг далолатномаси тузиб, 33.000.000 сўм кредит маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

***** жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, Ғузур тумани, “Янгикент” МФЙ, 248-уйда яшовчи Т.Баратовга тегишли электрон калит ва паспорт нусхаларини қўлга киритиб, 2022 йил 7 ноябрда укаси А.Бозоров номида бўлган 99-967-60-00 рақамли уяли телефондан фойдаланган ҳолда АТБ “Халқ банки” Ғузур филиали бошқарувчисига Т.Баратов номидан 01359435-рақамли электрон ариза билан мурожаат қилиб, 2022 йил 8 ноябрда ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, Т.Баратов “Янгикент” МФЙда яшайди ва унга кредит ажратиш мақсадга мувофиқ деб, расмий ҳужжат ҳисобланган 101-сонли сохта тавсиянома тўлдириб, 2022 йил 9 ноябрда унинг номидаги электрон калит орқали АТБ “Халқбанки” Ғузур филиали билан 537978-сонли электрон кредит шартномаси ва таъминотчи “Сунатилло-Текстил” МЧЖ билан 2022 йил ноябрда 886523-сонли 32.932.000 сўмлик 2 дона “Жак-9” қайчиси, 4 дона дазмоллар машинаси, 6 дона тикув машинаси етказиб бериш тўғрисида электрон шартнома тузиб, 2022 йил 2 декабрдаги 220-сонли электрон ҳисоб варақ-фактура орқали “Сунатилло-Текстил” МЧЖ раҳбари Қодиров Сунатилло Ойбек ўғлининг олдига бориб, ҳоким ёрдамчиси эканлигини айтиб, фуқаро Т.Баратовга 2 дона “Жак-9” қайчиси, 4 дона дазмоллар машинаси, 6 дона тикув машинасини ўзим етказиб бераман деб олиб кетиб, Т.Баратовга маҳсулот етказиб берилгани тўғрисида 2022 йил 21 ноябрда 86-сонли сохта мониторинг далолатномаси тузиб, 32.932.000 сўм кредит маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

***** жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, Ғузур тумани, “Янгикент” МФЙ, 478-уйда яшовчи В.Рўзиевага тегишли электрон калит ва паспорт нусхаларини қўлга киритиб, 2022 йил 23 сентябрда 90-878-80-09 рақамли уяли телефондан фойдаланган ҳолда, АТБ “Халқ банки” Ғузур филиали бошқарувчисига В.Рўзиева номидан 1175603-рақамли электрон ариза билан мурожаат қилиб, 2022 йил 23 сентябрда ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, В.Рўзиевани “Янгикент” МФЙда яшайди ва унга кредит ажратиш мақсадга мувофиқ деб, 89-сонли сохта тавсиянома тўлдириб, 2022 йил 28 сентябрда унинг номидаги электрон калит орқали АТБ “Халқбанки” Ғузур филиали билан 452212-сонли электрон кредит шартномаси ва таъминотчи “Бобомуродов Миржалол Қодир ўғли” якка тартибдаги тадбиркор билан 2022 йил 17 октябрда 793573-сонли 15.600.000 сўмлик 3 дона тикув машинаси етказиб бериш тўғрисида электрон шартнома тузиб, 2022 йил 17 октябрдаги 51-сонли электрон ҳисоб варақ-фактура орқали “Бобомуродов Миржалол Қодир ўғли” якка тартибдаги тадбиркорни олдига бориб, ҳоким ёрдамчиси эканлигини айтиб, 3 дона тикув машинасини



В.Рўзиевага ўзим етказиб бераман деб олиб кетиб, 2022 йил 21 октябрда 75-сонли фуқаро В.Рўзиевага маҳсулот етказиб берилгани тўғрисида сохта мониторинг далолатномаси тузиб, 15.600.000 сўм кредит маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

***** жиний ҳаракатларини такроран давом эттириб, Ғузур тумани, “Тошгузар” МФЙ, Семурғ кўчасида яшовчи З.Пардаевага тегишли электрон калит ва паспорт нусхаларини қўлга киритиб, 2022 йил 13 сентябрда 97-617-71-91 рақамли уяли телефондан фойдаланган ҳолда, АТБ “Халқ банки” Ғузур филиали бошқарувчисига З.Пардаева номидан 1127055-рақамли электрон ариза билан мурожаат қилиб, 2022 йил 13 сентябрда ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, фуқаро З.Пардаевани “Янгикент” МФЙда яшайди ва унга кредит ажратиш мақсадга деб, расмий ҳужжат ҳисобланган 86-сонли сохта тавсиянома тўлдириб, 2022 йил 13 сентябрда унинг номидаги электрон калит орқали АТБ “Халқбанки” Ғузур филиали билан 419771-сонли электрон кредит шартномаси ва таъминотчи “Бобомуродов Миржалол Қодир ўғли” якка тартибдаги тадбиркор билан 31.900.000 сўмлик 3 дона тикув машинаси ва 500 метр тикувчилик матоси етказиб бериш тўғрисида 2022 йил 14 сентябрда 688770-сонли электрон шартнома тузиб, 2022 йил 14 сентябрдаги 47-сонли электрон ҳисоб варақ-фактура орқали “Бобомуродов Миржалол Қодир ўғли” якка тартибдаги тадбиркорни олдига бориб, ҳоким ёрдамчиси эканлигини айтиб, 31.900.000 сўмлик 3 дона тикув машинаси ва 500 метр тикувчилик матосини ўзим етказиб бераман деб олиб кетиб, фуқаро З.Пардаевага маҳсулот етказиб берилгани тўғрисида 14.09.2022 йилда 54-сонли сохта мониторинг далолатномаси тузиб, 31.900.000 сўм кредит маблағини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган.

***** Ғузур тумани, “Янгикент” МФЙ, 321-уйда яшовчи Д.Хуррамовага тегишли электрон калит ва паспорт нусхаларини қўлга киритиб, 2022 йил 21 сентябрда 90-208-49-47 рақамли уяли телефондан фойдаланган ҳолда, АТБ “Халқ банки” Ғузур филиали бошқарувчисига Д.Хуррамова номидан 12982798-рақамли электрон ариза билан мурожаат қилиб, 2022 йил 11 октябрда ғаразгўйлик ва бошқа манфаатларни кўзлаб, фуқаро Д.Хуррамова “Янгикент” МФЙда яшайди ва унга кредит ажратиш мақсадга мувофиқ деб, расмий ҳужжат ҳисобланган 95-сонли сохта тавсиянома тўлдириб, 2022 йил 22 октябрда унинг номидаги электрон калит орқали АТБ “Халқбанки” Ғузур филиали билан 501944-сонли электрон кредит шартномаси ва таъминотчи “Сунатилло-Текстил” МЧЖ билан 29.966.000 сўмлик 2 дона кесиш учун қайчи ва 6 дона тикув машинаси етказиб бериш тўғрисида 2022 йил 2 ноябрда 859445-сонли электрон шартнома тузиб, 2022 йил 4 ноябрдаги 215-сонли электрон ҳисоб варақ-фактура орқали “Сунатилло-Текстил” МЧЖ олдига бориб, ҳоким ёрдамчиси эканлигини айтиб, Д.Хуррамовага 2 дона кесиш учун қайчи ва 6 дона тикув машинасини ўзим етказиб бераман деб олиб кетиб, фуқаро Д.Хуррамовага



маҳсулот етказиб берилгани тўғрисида 2022 йил 14 ноябрда 84-сонли сохта мониторинг далолатномаси тузган.

Жабрланувчи ----- шикоятда, у судга фақат бир марта чақирилиб, қолган суд мажлисларига чақирилмасдан, судда иш бир томонлама кўрилгани, унга етказилган моддий ва маънавий зарарлар қопланмагани, унинг ойлик иш ҳақидан кредит учун ечиб олинганини билдириб, ишни одилона кўриб чиқишни сўраган.

Жабрланувчи ++++++ шикоятда, у судга фақат бир марта чақирилиб, қолган суд мажлисларига чақирилмасдан, судда иш бир томонлама кўрилгани, унга етказилган моддий ва маънавий зарарлар қопланмагани, ўғли учун ундириладиган алимент пуллари пластик картасидан кредит учун ечиб олинганини билдириб, ишни одилона кўриб чиқишни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди иш бўйича судья А.Ғоппоровнинг маърузасини, судланувчи ***** ва унинг ҳимоячиси-адвокат Г.Самиевларнинг *****га енгиллик бериш, жабрланувчилар ----- ва ++++++ ҳамда -----нинг вакили-адвокат М.Тураеваларнинг жабрланувчиларга етказилган зарарни ундириш, прокурор А.Жабборовнинг ҳукми ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги музокара сўзларини тинглаб, апелляция шикоятларида келтирилган вазларни жиноят иши ҳужжатлари асосида ва судда аниқланган ҳолатлар билан атрофлича муҳокама қилиб, қуйидаги хулосага келди.

Судланувчи ***** апелляция инстанцияси судида, ҳақиқатан ҳам Ғузор туманидаги “Янгикент” маҳалласида ҳоким ёрдамчиси вазифасида ишлаганини, суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни содир қилмаганини, жабрланувчиларнинг номига у кредит олмаганлигини, бироқ шундай бўлсада айбига иқрорлик ва пушаймонлик билдириб, етказилган зарарларни қоплаганлигини, жабрланувчилар ----- ва ++++++ларнинг пластик карталаридан уларнинг номига олинган кредит маблағларини қоплаш учун ечиб олинган бўлса, уларга етказилган зарарни қоплаб беришини баён қилди.

Жабрланувчи ----- апелляция инстанцияси судида, шикоятини қувватлашини, жабрланувчи ++++++ қизи бўлишини, судланувчи ***** қизи ва ўзининг номига кредит олиб, ўзлаштириб кетганини, ҳозирги кунга қадар пластик картасига ойлик маоши тушганида, кредит қарздорлиги учун ечиб олинаётганини, қизи иккаласи йўл кира тўлаб, бир неча бор судга қатнаганлигини, биринчи инстанция суди ушбу ҳолатларга эътибор бермасдан, унинг ойлик иш ҳақидан ушлаб қолинган суммани ва бошқа зарарларни ундирмаганлигини билдириб, ўзига етказилган зарарларни ундириб беришни сўради.

Жабрланувчи ++++++ апелляция инстанцияси судида, шикоятини қувватлашини, ***** унинг номига кредит олиб, ўзлаштириб кетганини, ҳозирги кунга қадар пластик картасига алимент пуллари тушганида, кредит қарздорлиги учун ечиб олинаётганини, бундан ташқари йўл кира таб, судда иштирок этиш учун келаётганини, биринчи инстанция суди



ушбу ҳолатларга эътибор бермасдан, унга зарарларни ундирмаганлигини билдириб, ўзига етказилган зарарларни ундириб беришни сўради.

Судланувчи *****нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятларни қасддан содир қилганлиги ўзининг дастлабки тергов, биринчи ва апелляция инстанцияси судларидаги айбига иқрорлик билдирган кўрсатувларидан ташқари, жабрланувчилар, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг дастлабки тергов ва биринчи инстанция судидаги кўрсатувлари, жабрланувчиларнинг аризалари, кредит ҳужжатлари, етказилган зарар қопланганлиги ҳақидаги қвитанциялар ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ ўз исботини топган.

Биринчи инстанция суди томонидан иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама ва холисона текширилган, тўпланган далилларга объектив баҳо берилган, судланувчи *****нинг содир этган жиноят тафсилотлари тўғри аниқланиб, суд ҳукмида назарда тутилган жиноятларни қасддан содир қилганликдаги айби тўлиқ исботланган деган асослантилган хулосага келинган ҳамда унинг ҳаракатлари тўғри квалификация қилиниб, жазосини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар муҳокама қилиниб, қонун санкцияси доирасида, қилмишига мувофиқ меъёрда жазо тайинланиб, асосли хулосага келинган.

Бу борада, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7 ва 8-моддаларидаги, инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасига мувофиқ, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш бўйича субъектив ҳуқуқ – фақат шу мулкнинг эгасига тааллуқли бўлиб, ўзгалар мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кўпол бузувчи, иқтисодиёт соҳасида ҳам катта зарар келтирувчи жиноят ҳисобланади ва жиддий ижтимоий хавф туғдиради.

Амалдаги қонунларда, жамиятда мулк ҳуқуқини эъзозлаш вазияти вужудга келтирилиши лозимлиги ва унга нисбатан ҳар қандай тажовузларни содир қилган шахслар муқаррар жавобгарликка ва жазога тортилиши кераклиги таъкидланган.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан ишнинг фуқаровий даъвога оид қисмини муҳокама қилишда хатоликка йўл қўйилиб, судланувчи ***** томонидан ўзлаштирилган кредит қарздорлиги учун жабрланувчилар ----- ва ++++++ларнинг иш ҳақлари ва бошқа маблағларидан неча пул ундирилганига аниқлик киритилмаган, уларга ушбу зарарларни қоплаш чоралари кўрилмаган.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 275-моддаси 1-қисмида, бевосита жиноят туфайли ёки ақли норасо шахснинг ижтимоий хавфли қилмиши натижасида фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган мулкий зиённи қоплаш тўғрисидаги фуқаровий даъволар жиноят процессида кўрилиши;

457-моддаси 1-қисми 10-бандида эса, суд ҳукм чиқариш вақтида алоҳида хонада фуқаровий даъво қаноатлантирилиши керакми, бу даъво кимнинг фойдасига ва қанча миқдорда қаноатлантирилиши лозимлиги,



шунингдек фуқаровий даъво қўзғатилмаган бўлса, жиноят туфайли келтирилган мулкӣ зарар ундирилиши керакми, судланувчилар шериклик ёки ҳиссадорлик тартибида жавобгарликка тортилишлари лозимлиги масаласини ҳал қилиши кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 10-бандида: “Судлар ҳукм чиқаришда ҳукмнинг фуқаровий даъво қисмини ЖПК 468, 470-моддалари талабларига сўзсиз риоя қилган ҳолда ҳал қилишлари лозим. Ушбу талабларни эътиборга олиб, суд ҳукмда даъвони тўла ёки қисман қаноатлантириш ёхуд рад қилиш сабабларини асослантириши, даъвогар талаблари қаноатлантирилган тегишли миқдорини кўрсатиши ва фуқаровий даъво қайси қонунга асосан ҳал қилинганлигини кўрсатиши лозим. Фуқаровий даъвони қаноатлантирилиши ёки рад этилиши юзасидан суднинг қарори асослантирилиши лозим” деб тушунтириш берилган.

Бироқ, биринчи инстанция суди қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қарори тушунтиришларига риоя этмаган.

Ишда аниқланган ҳолатларга қараганда, судланувчи ***** жабрланувчилар ----- ва ++++++лар номига АТ “Халқ банки” Ғузор филиалидан 33.000.000 сўмдан кредит маблағлари олиб, уларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилган, ўз навбатида ушбу кредит қарздорлиги ----- ва ++++++ларнинг пластик картасидаги маблағлари ҳисобидан ечиб олинган.

Хусусан, АТ “Халқ банки” Ғузор филиали бошқарувчиси Б.Хусанов томонидан 2023 йил 6 октябрь куни берилган 258-сонли маълумотномада, фуқаро -----га тегишли 8600032903216406 рақамли пластик картасидан 729.827 сўм, ++++++га тегишли 8600140489703018 рақамли пластик картасидан эса 653.850 сўм судланувчи ***** томонидан уларнинг номига олинган кредит қарздорлиги учун ечиб олинганлиги кўрсатилган.

Булардан ташқари, биринчи инстанция суди томонидан судланувчи *****га тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан у эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланган кунларни чегиришда ҳам хатоликка йўл қўйилган.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига мувофиқ, суд жазо тайинлаш чоғида ушлаб туришнинг, қамоққа олишнинг ёки уй қамоғининг ҳар бир кунини ахлоқ тузатиш ишларининг уч кунига тенглаштириб ҳисоблайди.

Ишдаги ҳужжатларга қараганда, судланувчи *****га нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, у 2023 йил 10 апрелдан суд ҳукми эълон қилинган кун, яъни 2023 йил 16 август кунига қадар 4 ой 6 кун давомида қамоқда сақланган.

Биринчи инстанция суди томонидан судланувчи *****га тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан 1 йил 18 кун чегирилиши лозим бўлсада, бироқ 4 ой 7 кун чегирилиб, хатоликка йўл қўйилган.

Шу маънода, апелляция инстанцияси суди ҳукми ўзгартиришни, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда, *****га нисбатан тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан у



эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланган кунларни чегиришни, судланувчи С.Ҳасановдан жабрланувчилар ----- ва ++++++ларга етказилган моддий зарарни ундиришни, ----- ва ++++++ларга ўзларига етказилган, қолган моддий ва маънавий зарарларни ундиришда тегишли ҳужжатларни тўплаб, келгусида фуқаровий суд ишларини юритиш тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқлари борлиги суд ҳукмида тушунтирилганлигини қайд қилишни, ҳукмнинг қолган қисмини ўзгаришсиз қолдиришни, келтирилган шикоятларни қисман қаноатлантиришини лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497¹³, 497¹⁹, 497²⁶, 497³⁰ ва 497³¹-моддаларига асосан, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Жиноят ишлари бўйича Ғузор туман судининг 2023 йил 16 августдаги *****га нисбатан чиқарган ҳукми ўзгартирилсин.

***** эҳтиёт чораси тариқасида қамоқда сақланган 4 ой 6 куннинг ҳар бир куни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг уч кунига тенглаштирилиб, тайинланган асосий жазодан чегирилиб, унга ўташ учун иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил 5 ой 12 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Судланувчи *****дан жабрланувчи ----- фойдасига 729.827 сўм, ++++++ фойдасига 653.850 сўм моддий зарар ундирилсин.

Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Жабрланувчилар ----- ва ++++++ларнинг шикояти қисман қаноатлантирилсин.

Суд қарорларидан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериши, прокурор протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

Ш.Ражабов

Ҳайъат судьялари

Х.Бобоқулов

А.Ғоппоров

Нусхаси аслига тўғри, судья

А. Ғоппоров

